2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 15 (537), 2022 йил 22 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ



## Президент Шавкат Мирзиёев 21 январь куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Улардан бири Юнусобод тумани, Шаҳрисабз ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишмаси ёнида қурилаётган Tashkent Central Park мажмуасидир. Ушбу инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мажмуа учта 15 қаватли бинодан ташкил топади. Уларда беш юлдузли меҳмонхона, бизнес офислар, конференция зали, савдо шохобчалари, ресторанлар бўлади. Атрофда ландшафт дизайнли боғ, ер остида икки қаватли автотураргоҳ барпо этилади.

Бугунги кунда биноларнинг асоси тикланган. Мажмуа 2023 йилда қуриб битказилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини жадаллаштириш, келгусида хизмат турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Олмазор кўчасида барпо этилаётган Tashkent city mall мажмуасини ҳам бориб кўрди. Бу ерда 29 қаватли меҳмонхона, 30 қаватли бизнес маркази, 4 қаватли савдо-кўнгилочар шохобчалар биноси бўлади. Уларнинг қурилиши жадал давом этмоқда ва 2023 йилгача ишга туширилиши кутилмоқда.

Шу ерда қурилиш ташаббускорлари ва инвесторлар билан қисқа мулоқот бўлди. Мажмуа минтақамиздаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлиши, унда ва турдош соҳаларда 10 мингта янги иш ўрни яратиш мумкинлиги, яратилган имкониятлар кичик ва ўрта бизнес ривожига кучли суръат бағишлаши таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳар ҳокимлигида барпо этилган вазиятларни бошқариш марказини бориб кўрди.

Ушбу марказ аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. 110 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 4 қаватли бино қурилган. 60 та сервер, катта ҳажмли кузатув экрани, компьютерлар билан жиҳозланган.

Марказ электр энергияси, табиий газ, сув ва иссиқлик таъминоти, йўл, транспорт, жамоат хавфсизлиги каби 60 дан ортиқ соҳа идораларининг биллинг тизими ва порталлари билан интеграция қилинган. Бу орқали мазкур соҳалардаги маълумотлар, барча маҳалла ва кўчаларидаги ҳолат геолокация орқали яққол кўриниб туради. Туманларга бириктирилган мутахассислар буни онлайн режимда кузатиб боради ва зарур пайтда тезкор хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, ситуацион марказ шаҳар инфратузилмасини таҳлил қилиш ва режалаштириш каби стратегик масалалар билан ҳам шуғулланади. Масалан, қаерда шифохона, мактаб ё болалар боғчаси қуриш, қайси йўл ёки муҳандислик тармоғини таъмирлаш зарурлиги тўғрисида хулоса беради. Марказда 100 нафарга яқин малакали мутахассислар ишламоқда.

Президент ушбу марказ тажрибасини бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилишга кўрсатма берди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида маҳаллабай ишлашни ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги чора-тадбирлар ҳар бир маҳалланинг ўзида ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳрида ҳам Маҳаллабай ишлаш агентлиги бошқармаси, 579 та маҳаллада ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари фаолият бошлади.

— Бу икки тизим вакиллари, яъни ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари маҳалладаги ислоҳотчи бўлади. Аҳоли ҳаётини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни касбга ўргатиб, ишга жойлаштириш масалаларида сизлардан умидимиз катта, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга қаерда қандай соҳани ривожлантириш, ишсиз аҳолини қайси касбларга ўқитиш бўйича ҳар бир маҳалланинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш топширилди.

Жорий йилда Тошкент шаҳри маҳаллаларида инфратузилмани яхшилашга бюджетдан 500 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Шунингдек, давлат томонидан маҳаллаларда бизнесни ривожлантиришга 476 миллиард сўм кредит ва субсидиялар берилади. Ушбу маблағлар ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, маҳалладаги энг долзарб бўлган ижтимоий ва коммунал масалаларга ҳамда тадбиркорлик лойиҳаларига йўналтирилиши айтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига шу пайтгача бирорта инвестиция лойиҳаси бўлмаган 271 та маҳалла учун лойиҳалар шакллантириб, уларга инвестицияларни жалб этиш бўйича топшириқ берилди. Янги саноат лойиҳаларини ишга тушириб, шаҳар экспортини 2 баробарга ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан суҳбатда давлатимиз раҳбари уларнинг энг асосий вазифаси иш самарадорлигини ошириш, маҳаллаларда ҳар бир оила ҳолидан хабардор бўлиб, “темир”, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарларига киритилганларга қўлдан келганча ёрдам бериш, инсон қадрини улуғлаш эканини таъкидлади.

Ёшлар етакчилари ҳар кун изланишлари ва ўз устида ишлашлари, туман ҳокимига янги таклифлар бериб боришлари кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Маҳаллаларда қурилиши режалаштирилган ижтимоий иншоотлар лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

“Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар, Табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими натижалари ҳақида тақдимот ҳам ўтказилди.

**ЎзА**

**НУҚТАИ НАЗАР**

# ҲАРБИЙ СОҲА ВА ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

## юртимиз тинч-осойишта ва барқарор ривожланишининг асосий кафолати

**Шу йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши барча вазирлик ва тузилмалар учун бирдек аҳамиятли бўлди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди. Ҳарбий-маъмурий секторлар тузилди. Қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилди. Энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажаришга қодир бўлган бўлинмалар ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошди.**

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада мавжуд хомашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда ундириладиган йиғимларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдори;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2. **2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Жамғарма ҳисобидан субсидия ажратилади. Бунда:

мазкур лойиҳалар доирасида янги ускуналар харид қилинган бўлиши;

ускуна қийматига етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажатлари киритилмаслиги;

лойиҳани фойдаланишга топшириш далолатномаси мавжуд бўлиши лозим.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2022-2026 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали **тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш** мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган:

**2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

**2022-2024 йилларда фармацевтика соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури** 2-иловага мувофиқ;

**2022-2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари**нинг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИНИНИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОММАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРИШ ВА БОШҚА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ёшларнинг мантиқий билимларини ошириш, уларни саралаш ва интеллектуал ўйинларга кенг жалб қилиш, ушбу ўйинлар ташкил қилинишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида:

1. **“Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Заковат” интеллектуал ўйини ва бошқа интеллектуал ўйинларни (кейинги ўринларда — интеллектуал ўйинлар) тизимли равишда ривожлантириш мақсадида **Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин**:

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар, нотиқлик мусобақалари, чет тилларда мунозара ва учрашувлар ўтказиш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратиш;

интеллектуал ўйинлар ва улардаги иқтидорли иштирокчилар ҳақидаги маълумотларнинг электрон платформага киритилишини таъминлаш ва интеллектуал ўйинлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ҳамда таркибида сунъий тола 80 фоиздан юқори бўлган ип-калава ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилувчи корхоналарга бошланғич 15 фоиз тўловни тўлаш учун хорижий валютада 7 йил муддатгача 3 йиллик имтиёзли давр билан мазкур фармоннинг 4-банди 4-хатбоши бўйича белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан кредит ажратилади;

в) бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга хорижий валютада 1 йил муддатгача 9 ойгача имтиёзли давр билан мазкур фармоннинг 4-банди 4-хатбоши бўйича белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган миқдорда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан экспортолди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратилади;

г) бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини, шу жумладан, комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналарга:

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилади. Бунда, солиқни кечиктириш муддати тугаганидан сўнг солиқ қарзи ва ҳисобланган фоизлар кечиктириш муддатига тенг муддат мобайнида бўлиб-бўлиб тўланади.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банднинг “г” кичик банди иккинчи хатбошисидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача** қуйидаги манбалардан келиб тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилади:

а) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи ва трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи. Бунда ушбу маблағлар бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш учун ажратилади;

б) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи. Бунда ушбу маблағлар тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61 – 63) экспорт қилувчи корхоналарга субсидиялаш учун ажратилади. Ушбу субсидиялар ҳар ойда кейинги ойнинг 20 санасига қадар ҳисобот ойида тушган маблағлар ҳисобидан экспортчи корхоналарга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда ажратилади.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Агентликнинг талабномасига асосан Жамғармага 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялашга беғараз ажратсин.

Молия вазирлиги, зарур бўлганда, ушбу мақсадлар учун 2022 йилда республика бюджетидан Жамғармага қўшимча равишда 250 миллиард сўмгача маблағ ажратсин.

Молия вазирлиги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг талабномасига асосан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача маблағларни суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан мазкур фармоннинг 2-банди “б” ва “в” кичик бандларида кўрсатилган мақсадлар учун, мос равишда, 7 йил ва 1 йил муддатларга депозит ҳисоб-варағига жойлаштириб борсин.

Бунда депозит ставкалари “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан талабнома тақдим этилган кундаги Ўзбекистон Республикаси халқаро облигацияларининг иккиламчи бозордаги котировкалари ставкаси миқдоридан кам бўлмайди.

5. Экспорт қилувчиларнинг экспортолди молиялаштириш учун тижорат банкларидан олган кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация ва кафиллик бериш муддатлари **2024 йил 1 январга** қадар узайтирилсин ҳамда ушбу тартиб барча экспортчи корхоналарга татбиқ этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда:**

бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш тартибини;

Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни;

пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартибини тасдиқласин.

7. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар** пахта толасини мажбурий автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси ҳар ярим йилда Жамғарма ҳисобидан субсидияларнинг мақсадли ажратилишини ҳамда ажратилган субсидия миқдорларининг экспорт ҳажмларига мувофиқлигини ўрганиб, натижалари юзасидан ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

**9.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Мазкур фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2022-2026 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Комиссия (С.Умурзаков):

**2022 йил 31 январга қадар** мазкур фармонга 2-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш чораларини белгиласин;

**бир ой муддатда** мазкур фармонга 3-иловада назарда тутилган истиқболли лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уларни амалга оширишни ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар ва масъулларни белгиласин;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига лойиҳалар ва ҳудудлар кесимида ахборот киритиб борсин.

Комиссияга жаҳон бозорининг конъюнктураси ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур фармонга 2-3-иловаларда келтирилган **инвестиция лойиҳалар рўйхатини мунтазам равишда янги лойиҳалари ҳисобига тўлдириб бориш**, зарур ҳолларда, уларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси**, **вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари**:

фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини шахсан назоратга олсин;

**ҳар ойда** лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳа амалга оширилишини муҳокама қилиб, уларни белгиланган муддатда ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб борсин.

3. **2022 йил 1 апрелдан** фармацевтика маҳсулотлари харидларига ажратилиши режалаштирилган Давлат бюджети маблағлари миқдори доирасида маҳаллийлаштириладиган фармацевтика маҳсулотларини **уч йил муддатга шартнома тузиш орқали кафолатли харид қилиш механизми** жорий этилсин. Бунда:

**кафолатли харид қилиш шартномаларини тузиш бўйича танловлар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан биргаликда шакллантирилган **аввал республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболда маҳаллийлаштириладиган субстанциялар, дори воситалари**нинг халқаро патентланмаган номлари (бундай ном бўлмаган тақдирда, мансуб дори воситалари гуруҳ номлари), **тиббий буюмлар ва тиббий техникалар рўйхати** (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари рўйхати) доирасида амалга оширилади;

**фармацевтика маҳсулотлари рўйхати** Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг **интернет сайтларида жойлаштирилади** ҳамда ҳар йили янгиланиб борилади;

кафолатли харид қилиш шартномаларини имзолаш учун ғолиблар **очиқ танловлар орқали аниқланади** ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу танловларда **давлат буюртмачиси** ва **бенефициар мулкдори** ҳисобланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга тузилаётган кафолатли харид қилиш шартномалар доирасида **олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Молия вазирлиги (Рахимова), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров) билан биргаликда **уч ой муддатда** Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан шаффоф танлов асосида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан уч йил муддатга шартномалар тузиш орқали маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизми ва аниқ шартларини белгилаган ҳолда **давлат харидлари тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин**.

4. Белгилансинки:

а) фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш йўналишида:

**2022 йил 1 апрелдан** маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини **давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширилади**, аввал берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалар, уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан 15 кун муддатда амал қилиши **муддатсиз бўлган гувоҳномаларга алмаштириб берилади**;

**2022 йил 1 июлдан** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли ташкилот томонидан расмийлаштирилган “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”га эга маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган **дори воситаларини** ва “ISO:13485” сертификатига эга ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган **тиббий буюм ва тиббий техникани мажбурий сертификатлаштириш тартиби бекор қилинади**. Бунда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг талабларга мувофиқлиги **постмаркетинг назорати** ва **ихтиёрий сертификатлаштириш** орқали амалга оширилади;

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун қабул қилинган буюртмаларга кўра намуналар танлашни ҳудудлардаги сертификатлаштириш органлари экспертлари орқали амалга оширишга рухсат берилади;

б) фармацевтика соҳасидаги чекловларни камайтириш йўналишида:

**донор қонини тўплаш** ва унинг **асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақиқ**;

дори воситаларининг **клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чеклов**;

халқаро брендлар асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида **таркиби бир хил бўлган дори воситаларини бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида ишлаб чиқаришга чекловлар бекор қилинади**;

в) зарур амалиётлар (GxP) талабларини тизимли жорий этиш йўналишида:

**2022 йил 1 апрелдан** фармацевтика соҳасида **янги ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари** мос равишда “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”, “Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)” ва “Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP)” талабларига мувофиқ равишда ташкил этилади;

фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларни **зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш муддатлари 2024 йил 1 январгача узайтирилади**;

**2022 йил 1 февралдан** маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини **хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи** улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади;

**2023 йил 1 январдан** фармацевтика маҳсулотлари бўйича **давлат харид танловларида фақатгина** “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)” стандартлари асосида дори воситаларини, “ISO:13485” стандартлари асосида тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришни ташкил этган ташкилотлар ва “Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)” **стандартларини жорий этган улгуржи савдо ташкилотлари қатнашишига рухсат берилади**.

5. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан дорихона ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган **технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун “тоза хоналар”, сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари**, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан, дорихона ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган **хомашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари** Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича **2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинсин**.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг:

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига (кейинги ўринларда — Кластер) туташ ҳудуддан **қўшимча 80 гектар ер майдонини ажратиш ҳисобига Кластер ҳудудини кенгайтириш**;

Кластер ҳудудини кенгайтириш учун ажратиладиган **80 гектар** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер участкаларини саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 80 гектар ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартиришда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги компенсация тўловларини, истисно тариқасида ундирмаслик тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) икки ой муддатда:

мазкур бандда кўрсатилган ер участкаларини контурларини белгилаган ҳолда амалдаги фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда ер участкасининг “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш;

Қурилиш вазирлиги (Закиров), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда янги ажратиладиган ҳудудларнинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ва Кластер учун қўшимча ажратилган ер майдонида ўрнатилган тартибда ташкил этиладиган ишлаб чиқарувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4574-сон қарори 7-бандининг “в” кичик банди ва 11-банди татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков, Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) икки ой муддатда маҳаллий фармацевтика ташкилотларининг республика ҳудудида биофармацевтика йўналишидаги дори воситаларини тўлиқ цикл асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, субстанциялар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва халқаро стандартлар жорий қилинишини жадаллаштириш доирасидаги лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш бўйича “Йўл харита”сини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) Экспортни рағбатлантириш агентлиги орқали дори воситаларини “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)” талаблари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чораларини жорий этсин:

**2025 йил 1 январга** қадар фармацевтика маҳсулотларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош қўшни давлатларга **экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизи**гача, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) **5 фоиз**идан (автомобиль транспортида ташиш ҳолатида) ва **7 фоиз**идан (темир йўл транспортида ташиш ҳолатида) кўп бўлмаган миқдорда **қоплашга субсидиялар тақдим этиш**;

экспорт қилувчи фармацевтика ташкилотлари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун **револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига фоизсиз молиявий ресурслар** тақдим этиш. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ **3 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда бир йилгача муддатда йиллик 4 фоизли ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир инвестиция лойиҳасини муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши чораларини кўрсин.

11. 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

рецептсиз фармацевтика маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш бўйича;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИНИНИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОММАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРИШ ВА БОШҚА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Бошланиши 1-бетда**

3. **“Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича республика ташкилий қўмитаси** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Интеллектуал ўйинларни нафақат ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, ушбу ўйинларни оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, миллий интеллектуал ўйинларни шакллантириш, уларни оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш Ташкилий қўмитанинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин.

Белгилансинки, Ташкилий қўмита мажлисларида қабул қилинган қарорлар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан **бажарилиши мажбурий бўлган баённомалар** билан расмийлаштирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

интеллектуал ўйинлар **умумий ўрта таълим мактаблари, Президент таълим муассасалари, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасалари**, шунингдек, **кўнгилли жамоалар ўртасида** тизимли равишда ўтказиб борилади;

Ташкилий қўмита (А.Абдувахитов) тавсиясига кўра интеллектуал ўйинларнинг **республика босқичида ғолиб ва совриндор** (1-3-ўринлар) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, шу жумладан, Президент таълим муассасалари ўқувчилари белгиланган тартибда — ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларига, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари — олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига, олий таълим муассасалари талабалари — таълимнинг кейинги босқичига **базавий тўлов контракт** асосида **имтиҳон синовларисиз** қабул қилинади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб интеллектуал ўйинларнинг **республика босқичида** ғолиб бўлган ўқувчи ёшлар ва талабалар учун йил давомида ҳар ойда бериладиган **“Заковат” стипендияси таъсис этилади** ҳамда ушбу стипендия Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

таълим муассасаларида ташкил этилган “Заковат” интеллектуал клубларининг координатори бўлган профессор-ўқитувчиларга директор жамғармаси ҳамда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан **бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдорида бир марталик устама тўлаб берилади**.

Ташкилий қўмита (А.Абдувахитов) **уч ой муддатда** интеллектуал ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқласин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х.Умарова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов) **уч ой муддатда** интеллектуал ўйинларда ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабалар учун **“Заковат стипендияси”**ни бериш тартибларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х.Умарова) билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, босқичма-босқич умумий ўрта таълим мактаблари, Президент таълим муассасалари, ўрта махсус ва профессионал ҳамда олий таълим муассасаларида **“Заковат” интеллектуал клублари** фаолиятини йўлга қўйсин ҳамда ҳудудлардаги Ёшлар марказларида интеллектуал ўйинлар жамоалари учун алоҳида хоналарни ташкил этсин.

5. Мамлакатимизда интеллектуал ўйинларни янада ривожлантириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги орқали **Давлат бюджетидан “Заковат” интеллектуал клуби” нодавлат нотижорат ташкилотига** (кейинги ўринларда — “Заковат” интеллектуал клуби) 2022 йилда **50 миллиард сўм маблағ** ажратилиши белгилансин. Бунда, келгуси йилларда маблағлар “Заковат” интеллектуал клубига асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилади.

Белгилансинки:

мазкур маблағлар **интеллектуал ўйинларни ташкил этиш**, савол йўллаган телетомошабинларни моддий рағбатлантириш, экспертлар ва ҳакамларга иш ҳақи тўлаш, “Заковат” интеллектуал клуби аъзолари учун очиқ рўйхатдан **ўтиш электрон платформасини яратиш** ва уни юритиш ҳамда ғолиб бўлган жамоалар аъзоларини ушбу қарорда белгиланган тартибда **рағбатлантириш**, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган компьютер ва мобиль ўйинларни яратган дастурчиларга **грант ва субсидиялар ажратиш,** шунингдек, ушбу ўйинларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

“Заковат” интеллектуал клуби ҳар чорак якуни бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланганлик тўғрисида **Молия вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигига ҳисоботлар киритиб боради.**

Бунда, “Заковат” интеллектуал клубига мазкур бандга мувофиқ ажратилаётган маблағлар бўйича харажатлар сметаси Ташкилий қўмита (А.Абдувахитов) томонидан тасдиқланади.

6. 2022 йилдан бошлаб **ҳар йили Интеллектуал олимпиада** ташкил қилиб борилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Интеллектуал олимпиада таълим йўналиши, соҳаси, мутахассислигидан қатъи назар республикадаги барча **олий таълим муассасалари талабалари ўртасида** ўтказилади;

Интеллектуал олимпиада халқаро тажрибани инобатга олиб, миллий қадриятларимизга мос келадиган **интеллектуал ўйинлар** бўйича ташкил қилинади;

Интеллектуал олимпиадани ташкил қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар (**Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ўзбекистон шашка федерацияси** ва бошқалар) имконияти ва салоҳиятидан кенг фойдаланилади;

умумжамоа ҳисобида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган олий таълим муассасасига **Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси** топширилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Интеллектуал олимпиада ғолиб ва совриндорларини ўз мутахассислиги бўйича **кадрлар захирасига олиш** амалиётини йўлга қўяди.

Вазирлар Маҳкамаси **уч ой муддатда** Интеллектуал олимпиадани ташкил қилиш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили апрель ойида “Интеллектуал ҳафталик” тадбирини** тизимли равишда ўтказиб бориш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки:

**“Интеллектуал ҳафталик”** олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни юзага келтириш, талаба-ёшларнинг билимга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, республиканинг турли ҳудудларида таҳсил олаётган заковатли ёшлар учун фикр алмашиш имкониятини яратиш, олий таълим муассасаларида интеллектуал тўгараклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинади;

**“Интеллектуал ҳафталик”** давомида интеллектуал ўйинлар, илмий конференциялар, илм-фан, адабиёт соҳасида таникли олимлар иштирокида семинарлар, маданий-маънавий тадбирлар, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилади;

“Интеллектуал ҳафталик”ни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли олий таълим муассасаларининг **бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошкулов “Интеллектуал ҳафталик”ни тўлиқ ва самарали ташкиллаштириш юзасидан **шахсан масъул этиб белгилансин**.

8. Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан “Заковат” интеллектуал клуби учун алоҳида бино ҳамда **Интеллектуал ўйинлар шаҳарчасини** (кейинги ўринларда — объект) барпо этиш учун “Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудуддан **3 гектар ер майдони танлаб олинганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудуддан 3 гектар ер майдонини (кейинги ўринларда — танланган ер участкаси) **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан аҳоли пунктларининг шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари тоифасига ўтказиш**;

танланган ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан чиқарилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича **компенсация тўловларини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин**.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев) **икки ой муддатда**:

танланган ер участкасининг амалдаги ер эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларидан қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишини ва **давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини**;

давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкасининг Ёшлар ишлари агентлигига объектни барпо этиш мақсадида давлат ва жамоат эҳтиёжлари **учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини**;

Кадастр агентлиги билан биргаликда давлат ер кадастри маълумотларига тегишли ўзгартиришлар **киритилишини таъминласин**.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси — **буюртмачи функциясини бажаради**;

бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда ўтказиладиган **тендер (танлов) натижаларига кўра аниқланади**;

б) объектни қуриш ва жиҳозлаш харажатлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси** ҳамда **Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

в) объект қуриб битказилиб, фойдаланишга қабул қилингандан сўнг белгиланган тартибда **Ёшлар ишлари агентлигига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул берилади**.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов) Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев):

**бир ой муддатда** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги билан биргаликда “Заковат” интеллектуал клуби аъзолари учун очиқ рўйхатдан ўтиш **электрон платформа**сини яратсин. Бунда, шу жумладан, жамоалар, уларнинг рейтинг баллари ҳамда интеллектуал ўйинларнинг йўналиш ва босқичлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши назарда тутилсин;

уч ой муддатда интеллектуал ўйинлар ғолиблари ва совриндорлари учун Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да мавсумий ишлайдиган **“Интеллектуал мактаб” лойиҳаси**ни йўлга қўйсин.

11. Ташкилий қўмита (А.Абдувахитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили туман (шаҳар)лардан бирини **“Интеллектуал ҳудуд” деб эълон қилиш** ҳамда у ерда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **“Ёшлар” телеканали** ҳамда тегишли ҳудудий телеканалларда интеллектуал ўйинларни кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкиллаштириб борсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъулва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З.Саъдуллаев**, олий ва ўрта махсус таълим вазири **А.Х.Тошкулов** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари **А.А.Джурабаев** белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 август** ҳамда **2023 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 январь

---

**МУНОСАБАТ**

# “Заковат”

## етук ақл эгаларини тарбиялайдиган илм бешигига айланади



**Абдурасул АБДУЛЛАЕВ,**
**“Заковат” интеллектуал клуби” ННТ директори,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

**2021 йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари “Заковат” интеллектуал ўйинининг финал босқичига ташриф буюриб, ақл беллашувини бевосита кузатган, тадбир сўнгида нутқ сўзлаб, билимдон ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга шароит яратиш учун кўплаб ташаббусларни илгари сурган эди.**

Президентимизнинг “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ана шу ташаббуслар ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу қарор ўтган йили бошланган хайрли ишларнинг давоми сифатида кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, зиммамизга жуда катта масъулият юклади. Энди илгаригидек ишлашга ҳаққимиз йўқ. Давлат раҳбарининг эътиборига муносиб равишда катта ишларни қилишимиз зарур. Зиммамизда интеллектуал ўйинларга, энг аввало, ёшларни қизиқтириб, қамраб олиш вазифаси турибди. Мактаб ёки академик лицей ўқувчиси бўладими, олий таълим муассасаси талабасими ёки уюшмаган ёшларми — барча йигит-қизларнинг, ёш интеллектларнинг ичига кириб боришимиз, уларнинг иқтидори, салоҳиятини юзага чиқариш, илмга рағбатини кучайтиришимиз зарур. Қолаверса, кенг аҳоли ўртасида интеллектуал ўйинни оммалаштириш, корхона-ташкилотларда, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир муассасада “Заковат” бурчагини ташкил этиш вазифаси юклатилган. Шубҳасиз, бу осон иш эмас. Чунки бир умр бошқа иш билан шуғулланиб юрган одамларга, “Келинглар, интеллектуал ўйин ташкил қиламиз”, десангиз, кулади ёки эриш туюлиши мумкин. Шунинг учун аста-секинлик билан одамларнинг кўнглига кириб боришимиз ва қамраб олишимиз керак. Токи ҳар бир юртдошимиз ўзи мустақил ҳолда китоб ўқишга чоғлансин.

Бу йилдан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал ҳамда олий таълим муассасаларида “Заковат” интеллектуал клублари фаолияти йўлга қўйилиши кутиляпти. Ҳудудлардаги Ёшлар марказларида интеллектуал ўйинлар жамоалари учун алоҳида хоналар ташкил этилади.

Мактаблар билан ишлашда бироз қийналишимиз мумкин. Шунинг учун бу борада, албатта, Халқ таълими вазирлиги кўмагига таянамиз. Чунки 10 мингга яқин мактабга кириб боришимиз, “Заковат” турнирини ташкил қилиш ва чемпионни аниқлашимиз лозим бўлади. Ғолиб жамоа аввал туман, кейин эса вилоят миқёсидаги баҳсларда иштирок этади. Унда ғолиб бўлганлар беллашувнинг республика босқичида қатнашади.



Интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари таълимнинг кейинги босқичига базавий тўлов-контракт асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади. Бу жуда катта имтиёз, ёшлар салоҳиятини ошириш, баркамол қилиб етиштиришга қаратилаётган катта эътибор.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчи ва талабалар учун йил давомида ҳар ойда бериладиган “Заковат” стипендиясининг жорий этилиши ёшларимиз учун кутилмаган янгилик бўлди. Умид қиламан, бу уларнинг илмга интилишини янада оширади.

Қарорда бу йилдан бошлаб ҳар йили талабалар ўртасида Интеллектуал олимпиада ташкил қилиниши қайд этилган. Унда умумжамоа ҳисобида дастлабки учта ўринни қўлга киритган олий таълим муассасасига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси топширилади. Бу ёшларга жуда катта кўтаринки руҳ беради.

Таълим муассасаларида ташкил этилган “Заковат” интеллектуал клубларининг координатори бўлган профессор-ўқитувчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдорида бир марталик устама тўлаб берилади.

Қарорнинг ҳар бир банди бўйича режа тузиб олганмиз. “Заковат”нинг моҳияти бизга боғлиқ. Уни қандай ташкил қилиш ва қандай ўтказиш борасида тажрибамиз етарли. Қолаверса, ортимизда давлатимиз раҳбарининг ўзи турибди. Президентимиз ишончини оқлаш истаги бизни жуда катта ишларга ундайди.

Зиммамиздаги вазифаларни бажаришда асосан “Заковат” клуби аъзоларига суянамиз. Ички кенгаш аъзолари ҳам “Заковат” клубининг илғор, тажрибали билимдонлари ҳисобланади. Улар билан ҳамиша бамаслаҳат иш олиб борамиз.

“Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудудда “Заковат интеллектуал ўйинлари клуби” учун алоҳида бино ҳамда “Интеллектуал ўйинлар шаҳарчаси” барпо этилади. Бу ерда математиклар, кимёгарлар, ёш адабиётчилар саройлари қурилади. Уч гектар ҳудуд илмий, интеллектуал марказга айланади. Шаҳарчанинг номи “Заковат” деб аталиши кутиляпти. Кўз олдимга ҳайбатли илм маскани келяпти. Энг билимдон ёшларни ўзида жамлаган марказда нафақат интеллектуал ўйинлар, балки илмий мунозаралар, ақлий салоҳият билан боғлиқ баҳслар ҳам уюштирилади. Бу ерда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни руҳлантириш мақсадида машҳур олимлар, жумладан, Нобель мукофоти соҳиблари билан учрашувлар ташкил этилади. Улар билан ёшлар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиб, мустаҳкамлаб бориш энг катта вазифамиз бўлади.

Биз Беруний, Хоразмий, Фарғоний каби буюк алломалар авлодимиз. Мана шу ишлар амалга ошиши натижасида буюк аждодларимизга муносиб ворислар етишиб чиқишига ишончимиз комил. Қарорга биноан интеллектуал турнирлар ташкил қилиш, билимдон ёшларни рағбатлантириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун компьютер ва мобиль ўйинларни яратган дастурчиларга грант ва субсидиялар ажратиш мақсадида давлат бюджетидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бу илмга йўналтирилган, интеллектуал салоҳияти баланд ёшларни рағбатлантириш, “Заковат” байроғи остида тўплашга сарфланадиган сармоя. Ҳозир сафимиз тобора кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг кузигача сафимиздаги иқтидорли йигит-қизлар сони янада ортади. Буларнинг бири бўлмаса, бири аждодларга муносиб ворис бўлиши мумкин. Бунинг учун эса тамал тоши қўйилди.




САНА

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

**Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**
**Мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш, бу орқали, аввало, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тайёрлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада ушбу йўналишдаги энг нуфузли мусобақа — олимпия ўйинларида спортчиларимизнинг муносиб иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII Ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда мазкур қарор ҳамда давлатимиз раҳбарининг XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашувида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида 2024 йилда бўлиб ўтадиган мусобақага пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Қўмитада соҳа масъуллари, фахрий спортчилар, олимпиада ғолиблари, спорт жамоатчилиги вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда айни жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Тадбир аввалида Миллий олимпия қўмитасининг 30 йиллик фаолиятига бағишланган махсус видеоролик намойиш этилди. Шундан кейин қўмита раҳбари Рустам Шоабдураҳмонов йиғилганларни байрам билан табриклади.

— Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси сўнгги йилларда Халқаро Олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия кенгаши ва қатор халқаро спорт федерациялари ҳамда ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда темир интизом билан ҳаракат қилишимиз лозим, — деди у жумладан.

Тадбирда фахрий спортчилар ва спорт жамоатчилиги вакиллари бугунги кунда Президентимиз томонидан Олимпия ҳаракати ривожига кўрсатилаётган эътибор, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, Олимпия ўйинларининг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси 1992 йил 21 январь куни ташкил этилган. 30 йиллик олимпия ҳаракатини ривожлантириш давомида юксак натижаларга эришилди.

Жумладан, юртимиз спортчилари 1996 йил Атланта (АҚШ), 2000 йил Сидней (Австралия), 2004 йил Афина (Греция), 2008 йил Пекин (Хитой), 2012 йил Лондон (Буюк Британия), 2016 йил Рио-де-Жанейро (Бразилия) ва 2021 йил Токио (Япония) шаҳарларида ўтган ёзги, шунингдек, қишки олимпия ўйинларида ҳам юксак ғалабаларга эришиб, Ватанимиз байроғини жаҳон майдонлари узра юксалтирди.

— Афсуски, ҳозирги вақтда юзага келган эпидемиологик вазият сабаб Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташкил этилганининг 30 йиллиги байрамини катта ҳажмда ўтказа олмаяпмиз. Эпидемиологик вазият барқарорлашгач, Халқаро Олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия кенгаши ва бошқа йирик халқаро спорт ташкилотларининг вакиллари иштирокида мазкур байрамни ўзгача шукуҳда нишонлашни режалаштирганмиз,




— деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳакимов. — Президентимизнинг Олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратаётган эътиборлари барчангизга маълум. Яқинда Оксана Чусовитина, Баҳодир Жалолов каби спортчиларимиз шарафига уларнинг маҳорат мактаблари очилади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш учун катта база яратилмоқда. Бу Ўзбекистон спортининг шонли тарихида янги давр — янгидан-янги тарихий ғалабаларга замин яратади.

Тадбир доирасида узоқ йиллар мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи, олимпизм ғоялари тарғиботида фаолият олиб борган мутахассислар, спорт федерация ва ассоциацияларига Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ СТАТИСТИКАСИ

## мамлакатимиздаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва келгусидаги чора-тадбирларни белгилаш асоси

**Юртимизда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш бешинчи мақсади вазифаларига (яъни гендер тенглик) мувофиқ, хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишда аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироки учун тенг имкониятлар яратиш борасида изчил ишлар олиб бориляпти.**



**Зойир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Давлат статистика қўмитаси демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи**

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонда гендер тенглиги ҳолатини таҳлил қилиш, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилашда сифатли статистик маълумотлар муҳим ўрин тутади.

Айнан шу сабабли, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентимизнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги, аёлларни тазйиқ, зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорларида статистик маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур соҳадаги қонунчиликка тўхталадиган бўлсак, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида қабул қилинган 2 та муҳим қонун, яъни "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларда гендер статистикаси тушунчаси, уни шакллантириш ҳамда юритиш бўйича алоҳида модда киритилган.

2019 йил март ойида давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг Давлат статистика қўмитаси расмий "Gender.stat.uz" веб-сайтига жойлаштирилишини ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлаш бўйича масъуллар белгиланди. Президентимизнинг 2020 йил 3 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси" қабул қилиниб, унда гендер статистикасини такомиллаштириш бўйича ҳам алоҳида вазифалар белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил май ойидаги қарори билан "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси", уни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ҳамда "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари" тасдиқланиши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ижроси доирасида статистика органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси" доирасида халқаро экспертлар иштирокида гендер статистикаси бўйича мавжуд кўрсаткичлар ва уларни шакллантириш услубиятлари инвентаризациядан ўтказилди. Статистика тизимидаги ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг вакиллари билан ҳамкорликда семинарлар олиб борилмоқда.

"Gender.stat.uz" веб-сайтининг барча бўлимларида бугунги кунда жами 140 дан зиёд гендер статистикасига оид кўрсаткичлар 3 тилда, 5 хил форматда жойлаштириляпти.

Олий Мажлиси Сенати қарори билан тасдиқланган "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси" бўйича Давлат статистика қўмитасида гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилди. Ҳар йили статистик ҳисоботлар шаклларига қўшимча кўрсаткичлар киритилиб, расмий веб-сайтдаги маълумотлар сони ошиб боряпти. Масалан, БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган 52 та минимал гендер кўрсаткичлар тўплами бўйича алоҳида саҳифа очилди ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бу борадаги маълумотлар тўлиқ шакллантирилиб, мунтазам янгиланяпти. Мазкур ишларга ҳамоҳанг равишда 8 та йўналиш бўйича 90 дан зиёд бошқа кўрсаткичлар шакллантирилиб, эълон қилиб борилмоқда.

**Умуман олганда, Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг бешинчи мақсади бўйича 13 та индикатор тасдиқланган. Бугунги кунда уларнинг 7 таси ёки 53,8 фоизи ишлаб чиқилди ва веб-сайтга жойлаштирилди. Қолган 5 та индикаторни шакллантириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.**

Бугунги кунда гендер статистикасини янада ривожлантириш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг статистика идоралари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бунинг амалий мисоли тариқасида Ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлинмалари, МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда қўшни давлатлар, Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Грузия ва бошқа давлатлар билан ташкил этилаётган семинар ҳамда конференцияларни келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, сифатли статистик маълумотлар Ўзбекистонда гендер тенглиги ҳолатини таҳлил қилиш ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.




ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

## ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича манзилли иш олиб боришга кенг йўл очади

**Дунёдаги ҳар бир мамлакат ўз аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида вақти-вақти билан рўйхатга олиш ишлари олиб боради.**

**Руслан ҚАҲРАМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани статистика бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи**



2015 йил 10 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан, ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда МДҲ мамлакатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланган.

Аҳолини рўйхатга олиш нима учун зарур? Бу тадбир республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ҳамда болалар саломатлигини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имкониятини янада кенгайтиради.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бирор марта бундай ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмади. Аҳолини рўйхатга олиш сўнгги бор 1989 йилда ўтказилган эди. Ҳолбуки, жаҳондаги кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш камида ҳар ўн йилда бир маротаба ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликдан сўнг республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири биринчи марта 2023 йилда бўлиб ўтади ва кейин ҳар 10 йилда амалга оширилади. Шу боис, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилиши белгиланди. Қарорда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ташкилий ва услубий тамойилларини, аҳолини рўйхатга олиш дастури ва саволномаларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги масъулиятини янада ошириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилган.

Айтиш лозимки, аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилди. Бунда аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш жараёни, рўйхатга олиш усуллари, дастури, саволномалари, услубий қўлланмалари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари амалий синовдан ўтказилди. Синов натижаларидан келиб чиқиб, аниқланадиган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Яшнобод туманида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ишларига кенг кўламда тайёргарлик кўрилиб, январь ойида 58 та маҳалла фуқаролар йиғинининг схематик хариталари ўрганилди.

2021 йил 1 мартга қадар аҳоли пунктларининг схематик режалари техник шартлар асосида тайёрланиши туман кадастр бўлими билан ҳамкорликда якунига етказилди. Шунингдек, аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли сони кўрсатилган ҳолда уйлар ва хонадонларнинг тўлиқ рўйхати тузиб чиқилди.

**Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари юқори даражада ўтказилиши учун унга тайёргарлик кўриш, маълумотларни қайта ишлаш ва ҳужжатларни сақлаш учун Яшнобод туман ҳокимлиги томонидан вақтинчалик бинолар ажратилди.**

Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузишдир.

Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Мухтасар айтганда, аҳолини рўйхатга олиш жараёнига чинакам пойдевор қўйилади, десак муболаға бўлмайди. Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш орқали, аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳволи, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари кабилар бўйича батафсил маълумот тўпланади. Мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўз навбатида, юртдошларимиз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилади. Аҳоли пунктлари инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва самарали жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда зарур. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга олиш натижасида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлили учун кенг қамровли ахборот манбаи яратилади.

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга ошиши келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга кенг йўл очади.

## НУҚТАИ НАЗАР



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**инновацион ривожланиш вазири, академик**

Бошланиши 1-бетда

**ЮЗ ТАСВИРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ШАХСНИ ТАНИБ ОЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ, ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ РАҚАМИНИ ТАНИБ ОЛУВЧИ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ БОШҚАРАЁТГАН ШАХС ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ, РЕАЛ ВАҚТДА ШАХСЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ЯРАТИШ, АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМЛАРИДА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ БИОМЕТРИК АВТОРИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИНТЕГРАЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАЗАРИЯСИНИ ЯРАТИШ КАБИ ЛОЙИҲАЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН.**



# ҲАРБИЙ СОҲА ВА ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

## юртимиз тинч-осойишта ва барқарор ривожланишининг асосий кафолати

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга жойлардаги давлат ҳокимияти органларини фаол жалб этиш, “Армия ва халқ — бир тану бир жондир” деган улуғ ғояни амалда таъминлашга ҳисса қўшишга имкон яратди.

Давлатимиз раҳбари энг муҳим вазифалардан бири — бу халқ билан яқинлашиш, мудофаанинг аҳоли билан жипслиги ва яхлитлиги масаласи эканини таъкидлади. Содда қилиб айтганда, халқ ўз давлатининг қўшинига тўла ишониши ва қўллаб-қувватлаши, армия эса ўз халқининг ишончи ва қудратини ҳис қилиб туриши керак. Мазкур масалага давлатимиз раҳбари аввал ҳам бир неча маротаба тўхталган. Чунончи, ўтган йилнинг январь ойида Қуролли Кучлар академиясига ташрифи чоғида барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболдаги долзарб вазифалардан эканини таъкидлаган. Мамлакатимиз аҳолиси ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини кучайтириш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан бири эканини қайд этиб, “Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”, деган эди.

Ҳарбий хизматчилар сафидан қобилиятли ва заковатлиларини аниқлаш, уларга ўз қобилиятини намоён қилиши учун шароит яратиб бериш муҳим масалалардан саналади. Бу борада Инновацион ривожланиш ва Мудофаа вазирликлари ҳамкорлигида “Аскардан мактуб” лойиҳаси амалга оширилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Лойиҳада яқинлари миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшлар, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмлардаги таълим жараёни иштирокчилари — ўқитувчилар, ҳарбий инструкторлар, психологлар, аскар ва офицерлар иштирок этди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти муддатли хизматчилари иштирокида бошланган лойиҳа ёшларда фаол ҳаётий позиция, Ватанга муҳаббат, унинг тарихий меросига ҳурмат, миллат манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Энг муҳими, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз яқинлари, жигарларига мактуб орқали армия руҳиятини мунтазам сингдириб бориши, ўзаро мулоқотларда олис қишлоқларда улғаяётган ука ва сингилларига армиядаги интизомий тарбиядан бир қисмини улашиб, уларда ватанпарварликни шакллантиришга билвосита кўмакчи бўлиши мақсад қилинган эди. Зеро, бу миллий армиямиз руҳиятининг халқ орасида кенг тарқалишидаги кичик, бироқ аҳамияти катта қадам. Орамизда ёшлигида аскар акаларидан олган мактубдан қувониб, уларга жавоб ёзиб, аскар бўлиш орзусида ёнган авлод вакиллари талайгина. Бу анъанани замонавий ахборот алмашинуви маконида тезкор ва мунтазам амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

Иккинчи муҳим жиҳат миллий мудофаамизга илм-фан ютуқларини интеграция қилишдан иборат. Мамлакат чегаралари мавжуд моддий чегаралардан ташқари, сув ва ҳаво чегараларимизнинг хавфсизлиги, эпидемиологик, ахборот ва киберхавфсизлик каби турли соҳаларни ўз ичига олади. Илм-фан ютуқлари мазкур хавфсизликнинг юқори даражада бўлишини таъминлаб беради.

XXI аср илм-фан, био ва нанотехнологиялар, янги материаллар, ахборот-коммуникация ва когнитив технологиялар даври бўлиб тарихга кирди. Янги Ўзбекистон муҳитида ишлаб чиқаришни энергия ва ресурс тежамкор технологияларга ўтказиш, муайян хусусиятларга эга материаллар ва тирик организмларни яратиш вазифаси олдимизда турибди. Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ, Хитой каби давлатлар бу соҳада тадқиқотлар олиб бораётганига анча йил бўлган. Бу давлатлар янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича рақобатда бўлиб, мутлақ етакчиликка интилмоқда. Ўзбекистон мавжуд ресурсларни технологиялар ривожига йўналтириш орқали тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун жадал ислоҳотларни амалга ошираётир.

Тиббий-биологик технологиялар, сунъий интеллект элементлари бўлган кибертехнологиялар, роботлаштирилган бошқарув энди хаёлот маҳсули эмас, аниқ ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган реалликдир. Зеро, мудофаа тизими ва саноати илм-фан ҳамда инновацион ривожланишнинг драйвери бўлиб, илмий кўламдор маҳсулотлар бозорини яратиш ва оммалаштиришда катта ўрин эгаллайди. Президентимиз хавфсизлик кенгашининг йиғилишида асосий урғуни бежиз илм-фан, инновациялар ва рақамлаштириш технологияларига бермади. Чунки аҳоли турмушида фойдаланилаётган, ҳозир биз учун оддий буюмлар — тефлон қопламалари, интернет, микротўлқинли печь, суюқ маҳсулотларни сублимация қилиш, дронлар каби кўплаб кашфиётлар ҳарбий саноат орқали турмушимизга кириб келган.

Шундай экан, давлатимизнинг мудофаа, хавфсизлик соҳасидаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаб, соҳага сўнгги илмий изланишлар натижалари жорий этиш ҳамда ҳарбий соҳадаги илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришни янада кенгайтириш муҳим.

Президентимиз таъкидлаганидек, бундан беш йил аввал мудофаа тизимида ҳарбий илм-фанга деярли эътибор йўқлиги, илмий тадқиқотлар умуман, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ва уларга кам маблағ ажратилгани ҳам ҳақиқат эди. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан сўнгги йилларда мазкур соҳада қатор ишлар бажарилди. Жумладан, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида махсус йўналишлар бўйича 2019-2022 йилларда умумий қиймати 48,3 миллиард сўмлик 37 та лойиҳа молиялаштирилди. Бу ўтган даврларга қараганда, 20-30 баробар кўп дегани.

Шунингдек, 2018-2021 йилларда ахборот технологиялари соҳасида умумий қиймати 21,1 миллиард сўмлик 34 та стартап лойиҳа молиялаштирилди. Уларни амалга ошириш натижасида 270 та янги иш ўрни очилди. Учувчисиз аппаратлар ва ГИС технологиялардан фойдаланган ҳолда етиб бориш қийин бўлган ҳудудларни мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда маълумотлар йиғиш, кўп функцияли мобиль қурилмалар, миллий интеллектуал камераларни дастурлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхоналарига рақамли иқтисодиёт ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун SeCube бошқарув тизими платформасини жорий этиш каби лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилгани айнан хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Жамият ва давлат хавфсизлигининг муҳим бўғинларидан бири ахборот хавфсизлигидир. Биз аксарият маълумотлар электрон серверларда сақланадиган ва бундай тартиб тобора кенг қулоч ёяётган даврда яшаяпмиз. Бу маълумотларни йиғиш, тартибга солиш ва сақлаш масаланинг бир тарафи бўлса, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш яна бир вазифамиздир. Шу мақсадда ахборот хавфсизлиги соҳасида умумий қиймати 17 миллиард сўмлик 12 та илмий лойиҳа молиялаштирилди.

Юз тасвирини қайта ишлаш асосида шахсни таниб олиш алгоритмлари ва дастурий таъминотини яратиш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида транспорт воситалари рақамини таниб олувчи, транспорт воситасини бошқараётган шахс идентификацияси, реал вақтда шахсларни қидириш ва идентификациялаш учун дастурий маҳсулот яратиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларида фойдаланувчиларни биометрик авторизациялашнинг интеграллашган технологиялари назариясини яратиш каби лойиҳалар шулар жумласидан.

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида ўтган йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топширилган INNO инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркида Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда 25 миллион сўмлик инновацион “Ҳарбий тўплам” прототипи яратилди. Улар махсус бўлинма қўшинларида фойдаланиладиган бош кийим (каска), бронежилет ва ўқотар қурол учун қўшимча қурилмалардан иборат. Улардан бронежилетга тўхталадиган бўлсак, аскар ҳолатини ўрганиш мақсадида унга кўп функцияли метамониторинг мосламаси уланди. Натижада ЭКГ модулига уланган қурилма ёрдамида аскарнинг юрак уриш пульси ва ҳарорати аниқланади. GPS қурилмаси ёрдамида жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар мониторинг қилиш базасига муттасил юбориб турилади.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий олий таълим муассасалари талабалари илмга чанқоқ ва инновацион фикрлайдиган ёшлардан иборат бўлгани боис, улар тақдим этаётган кўплаб лойиҳалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Иқтидорли ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган TechnoWays технологик ривожланиш марафони доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий олий таълим муассасалари талабаларининг умумий қиймати 60 миллион сўмлик 3 та инновацион лойиҳаси молиялаштирилди.

Бу йўналишда халқаро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Туркия Киберхавфсизлик федерацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига асосан, 2022 йилда “Киберхавфсизлик ва криптография лабораторияси ҳамда Ёшлар академиясининг 300 нафар аъзоси учун Туркияда киберхавфсизлик ва криптография курсларини ташкил этиш режалаштирилди. Туркиянинг энг йирик илмий-тадқиқот муассасаси — TUBITAK BILGEM компаниясининг киберхавфсизлик, яримўтказгичлар, булут технологиялар ҳамда криптография бўйича дастурий маҳсулотларини трансфер қилиш ҳамда шу йўналишларда вазирлик ходимлари ва Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари учун малака ошириш курслари ташкил этилади.

Мамлакат хавфсизлигининг яна бир омили аҳоли саломатлиги билан боғлиқ. Ҳозир Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан COVID-19 инфекциясига оид умумий қиймати 36,3 миллиард сўмлик 19 та илмий лойиҳа молиялаштирилди. Коронавирусга қарши 6 турдаги янги маҳаллий вакцина яратилди, 2 та маҳаллий вакцина Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан номзод вакцина сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хитойлик олимлар билан ҳаммуаллифликда SARS-CoV-2 инфекциясига қарши янги ZF-UZ-VAC 2001 вакцинаси яратилгани эса глобал пандемия даврида халқимиз саломатлигини том маънода ҳимоя қилишга имкон берди. Ўтган йил давомида 21,5 миллион доза ZF-UZ-VAC 2001 ўзбек-хитой вакцинаси Хитойдан келтирилган бўлса, мазкур вакцинанинг қўшимча 17,2 миллион дозаси юртимизда ишлаб чиқарилди ва аҳолини эмлаш учун етказилди.

Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳарбий илм-фан ва таълимни ривожлантириш, бунда соҳага энг етук, малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, илмий тадқиқотларни янада кучайтириш, иқтидорли аскарларни саралаб олиб, уларни энг замонавий йўналишларга жалб қилган ҳолда миллий армиямизни янада кучайтириш зарурлигини такрор-такрор айтди. Бу ишларда ҳар бир ташкилот раҳбари ўз дастури ва таклифларини амалга оширишини қатъий белгилаб берди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид бир қанча таклифларни илгари сурмоқда. Аввало, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда олий таълим тизимидаги энг малакали ўқитувчиларни ҳарбий таълимга жалб қилиш, ҳарбий соҳа ва илм-фан интеграцияси учун зарур бўлган платформаларни тайёрлаш лозим. Шу билан бирга, вазирлик ҳузуридаги Ёшлар академиясининг иқтидорли аъзоларини ҳарбий-илмий тадқиқотларга сафарбар қилиш, энг яхши ғоя ва изланишларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш ғоят муҳим. Бунинг учун жорий йилда махсус илмий ва стартап лойиҳалар танловларини ўтказиш режалаштирилган. Ёшлар академияси аъзолари орасидан муносиб номзодларни саралаб олиб, уларни ҳарбий соҳага жалб қилиш, қўллаб-қувватлаш учун шароит яратиш, шунингдек, танловлар ўтказиш йўли билан ҳарбий хизматчилар орасидаги қобилиятли хизматчиларни аниқлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш зарур. Бунинг учун вазирлигимиз томонидан йўлга қўйилган TechnoWays технологик ривожланиш марафони имкониятларидан фойдаланиш самара беради, деб ўйлаймиз. Ҳарбий соҳа хизматчилари билан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инновацион ҳудудларда маҳалла ва ҳарбий соҳа шериклигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам ишларни амалга оширишимиз талаб этилади. Мамлакатимиз илм-фан намояндалари давлатимиз раҳбари белгилаб берган шундай устувор вазифаларни амалга ошириш учун бор куч-ғайратини, билим ва салоҳиятини сафарбар этади.

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

# ВАТАНИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА



**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли — 30 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Маълумки, 1992 йил 14 январь куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ўзининг янги мудофаа тизимини яратиш, замонавий, ихчам армиясини барпо этишдек улкан вазифани ўз олдига қўйди.**

Соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Мудофаа доктринаси, “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши миллий армиямизнинг салоҳияти, жанговарлик даражасини оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув тизими яратилди, ҳарбий округлар тузилди ҳамда давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди. Ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва юртдошларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган махсус бўлинмалар ташкил этилди.

Айниқса, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида қўшинларни модернизация қилиш ва энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг жиддий муаммолардан бири — бу кадрлар масаласи эди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида ҳарбий таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бир қатор янги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти етарли, шижоатли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини тайёрлашга киришилди.

Қуролли Кучлар академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Олий ҳарбий авиация билим юртлари, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ҳарбий тиббиёт академиясида 32 йўналиш ҳамда мутахассислик бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Бу мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафини миллий кадрлар билан тўлдиришга замин яратмоқда.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгилангани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган бу каби чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди. Уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси ошди, қолаверса, кенг жамоатчилик ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксалди.

Сўнгги беш йилда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Хусусан, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кун талабидан келиб чиқиб, мутлақо янги тузилма — ҳарбий-маъмурий округлар тузилди.

Ҳарбий хизматчилар учун замонавий турар жойлар қуриш, мавжуд турар жой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва реконструкция қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, биргина 2021 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятларда жами 1010 хонадондан иборат 27 та кўп қаватли уй қурилиб, 7 фоизли имтиёзли кредитлар асосида ҳарбий хизматчиларга берилди.

Ўтган даврда 10 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланди, 4 мингдан ортиқ ҳарбий фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар берилди. Биргина 2021 йилда уларнинг 897 нафарига имтиёзли тавсиянома берилди, 667 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ишсиз оила аъзоларидан 2 минг 55 нафари мономарказ, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда бошқа ўқув маскanларида ўқитилиб, касбга йўналтирилди. Қарийб 13 минг нафар ҳарбийлар рафиқаларининг доимий бандлиги таъминланиб, 514 нафари тадбиркорликка жалб этилди. Ҳарбий шаҳарчаларда 125 та тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги тасарруфида замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, малакали тиббий ходимлар фаолият олиб бораётган йигирмадан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари, кўп сонли тиббиёт пунктлари, шу билан бирга, ҳарбий санаторийлар ва бошқа махсус ҳарбий-тиббиёт муассасалари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, мудофаа соҳасининг такомиллаштирилиши, ушбу соҳага берилган эътибор натижасида бугунги Ўзбекистон ёшлари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи, шу билан бирга, юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқда. Кейинги пайтларда армиямиз сафларига муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётгани бунинг яққол далилидир. Ёшларимиз армияда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётгани йўқ, айни пайтда жисмонан ва маънан чиниқиб, қатъий ирода ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлмоқда.

Соҳадаги туб ислоҳотлар натижасида армиямизнинг халқимиз билан бирлиги таъминланиб, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз шаклланди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янгича мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қалбида армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбийларга яратиб берилган замонавий шарт-шароитлар, кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрликлар уларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари пойдеворидир. Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг “Халқаро армия ўйинлари”, “Кембрия патрули” (Англия), “Энг яхши жангчи” (АҚШ) халқаро ҳарбий мусобақа ва танловларда ғолиб бўлганликларини қайд этиш жоиз.

Умуман олганда, Қуролли Кучлар соҳасидаги изчил ислоҳотлар Ўзбекистон армиясининг жанговар қудрати қарийб икки баробар ошишига замин яратди. Бугун халқимиз ана шундай профессионал, Ватанимизни, тинчлигимизни кўз қорачиғидек асраш, ҳимоя қилишга қодир бўлган ўз Миллий армияси билан ҳақли равишда фахрланади.





МУЛОҲАЗА

**Президентимизнинг 2018 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу қадимий ўйиннинг минглаб мухлисларини, мураббий ва ота-оналарни беҳад қувонтирди. Бу қарор маданият ва маърифатга, азалий қадриятларга, жумладан, спортга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин исботидир, десак хато бўлмайди.**

# ШАХМАТДА АДОЛАТ БОР

## ёхуд инсон тафаккури яратган мўъжиза



> **ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРНИНГ МУҲИМ БИР ТАРИХИЙ ИЛДИЗИ БОР. ШАРҚ — ШАХМАТ ВАТАНИДИР. ЎТМИШДА ЎТГАН БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР, ҲАЗРАТ НАВОИЙ ШАХМАТГА АСТОЙДИЛ ҚИЗИҚИШГАН. ЎЗЛАРИ ҲАМ УСТА ШАХМАТЧИ БЎЛГАНЛАР, БУ ҚАДИМИЙ ЎЙИННИ ОММАЛАШТИРИШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАНЛАР. НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙНИНГ “ХИСРАВ ВА ШИРИН” ДОСТОНИ СЎНГГИДА ШУНДАЙ МИСРА БОР: “ДУНЁ БИР ШАТРАНЖДИР, УНУТМА БУНИ”.**



**Шодмон ОТАБЕК,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Сўнгги йилларда навқирон авлодимизнинг шахмат бўйича халқаро миқёсда эришаётган улкан зафарларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Эндиликда сира иккиланмай бундай юксак натижалар бардавом бўлади, дейишимиз мумкин.

Шахматнинг рапид йўналишида тарихдаги энг ёш жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов, халқаро мусобақаларда қўша-қўша олтин медалларни қўлга киритган ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар, юртимизда аёллардан биринчи бўлиб гроссмейстер унвонига лойиқ кўрилган Нафиса Мўминовалар мустақил Ўзбекистонимиз байроғини янада юксак кўтарадилар, деб ишонамиз. Чунки спортга, жумладан, шахматга бўлган эътибор, ғамхўрлик уларни ҳамиша руҳлантириб туради. Шу ўринда Нодирбекнинг яқинда тезкор шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлганини зўр фахру ғурур билан эслаб ўтиш жоиз.

Ёш шахматчиларимиз эришаётган ютуқларнинг муҳим бир тарихий илдизи бор. Шарқ — шахмат ватанидир. Ўтмишда ўтган буюк бобокалонларимиз Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Навоий шахматга астойдил қизиқишган. Ўзлари ҳам уста шахматчи бўлганлар, бу қадимий ўйинни оммалаштиришга катта ҳисса қўшганлар. Низомий Ганжавийнинг “Хисрав ва Ширин” достони сўнггида шундай мисра бор: “Дунё бир шатранждир, унутма буни”.

Шахмат ўйини кашф этилгандан буён кўп асрлар ўтди. Аммо бу қадимий ўйин эскирмади, аксинча, у битмас-туганмас сир-асрори, сеҳру жозибаси, нашъу намоси билан инсониятга хизмат қилиб келмоқда.

Бундан тўққиз юз йилча муқаддам араб олими ва ёзувчиси Ар-Роғиб Исфаҳоний шахмат нима деган саволни биринчи марта ўртага қўйиб, унга жавоб беришга ҳаракат қилган экан. Мазкур саволга бу ўйиннинг буюк усталари, мутахассислар, машҳур кишилар турлича жавоб берганлар. Айримлар шахматни спортга, санъатга, бошқалар фанга қиёслайди. Аслида шахматда бу хусусиятларнинг ҳаммаси мужассам. Эндиликда бу таъриф-тавсифларга анча аниқлик киритилган. Шуниси диққатга сазоворки, шахматга берилган таърифларнинг ўзидаёқ олам-олам завқ-шавқ бор. Таниқли немис гроссмейстери Зигфрид Тарраш шахмат ҳақида шундай деган экан: “Шахмат нималигини билмайдиган одамга севги нималигини билмайдиган одамдан кам ачинмайман. Худди севгида, мусиқада бўлганидек, шахматда ҳам одамларга қувонч бахш этадиган қудрат бор”.

Шахматнинг беқиёс амалий, маърифий аҳамияти турли манбаларда алоҳида, қайта-қайта таъкидланган. Бу қадимий ўйин илм ва санъат аҳлига битмас-туганмас завқ-шавқ, илҳом бағишлаб келган. Бадиий адабиётда, кинода, санъатнинг бошқа турларида шахмат мавзуси кўп ва хўп ишланган. Австриялик машҳур ёзувчи Стефан Цвейгнинг “Шахмат новелласи” деган асарини ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Асар қаҳрамони шахмат туфайли ёлғизликни, ўлимни енгиб, омон қолади.

Айрим маълумотларга қараганда, шифокорлар шахмат билан даволаш борасида муваффақиятли тажриба ўтказишмоқда. Шахматнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти кўпчилик томонидан тан олинганига қарамай, ҳамон бу ўйинга шунчаки бош оғриғи дея беписанд қаровчилар ҳам топилади. Уларга ўзи ҳам уста шахматчи бўлган буюк шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу сўзларини эслатгимиз келади: “Мен учун одамлар икки тоифага бўлинадилар: шахматни билувчилар ва билмовчилар. Шахмат, аввало, ўзини тарбиялаш манбаи. Ҳаёт сўқмоқларида янглишмаслик, ягона тўғри йўлни топа билиш, мураккаб ҳолатларда тез ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятга тўғри баҳо бера билиш, шошқалоқ хатти-ҳаракатлардан тийилиш сингари ҳислатларга ҳам шахмат ўргатади. Шахмат кишида дадиллик ва курашчанликни тарбиялайди, иродани, мақсад сари интилувчанликни шакллантиради. Бу хусусиятлар, айниқса, ҳозирги замон одамига жуда зарур... Шахматда буюк адолат бор. У хато учун бешафқат жазолайди, тадбир учун қувончлар ҳадя этади. Ҳаётда баъзан ёш истеъдод эгаси узоқ вақт кўпчиликка танилмай, унинг меҳнатига одил баҳо берилмаган ҳолатлар бўлиши мумкиндир, лекин шахматда бундай бўлмайди. Унда қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, тарафкашлик эътибор топмайди. У ақллар кураши, туйғулар жанги...”

Раҳматли Эркин ака шахматдан чексиз завқ-шавқ олиб ўйнарди. Биз шахматнинг моҳиятини, шахмат маданиятини Эркин акадан ўрганганмиз. Устоз ижодхонасига шоир дўстим Насриддин Муҳаммадиев (Аллоҳ раҳмат қилсин) иккимизни тез-тез чорлаб турарди. Навбатма-навбат дона суришардик, камдан-кам ҳоллардагина устозга муносиб қаршилик кўрсата олардик. Эркин ака айрим мақтанчоқ шахматчилар каби ютганини сира писанда қилмасди, шу боис, унга ютқазсак сира хафа бўлмасдик. Шундай инсон билан замондош, ҳамнафас бўлишликнинг ўзи катта бахт эди.

Ҳар йили Республика шахмат федерацияси ва Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан Республика шахмат академиясида Эркин Воҳидов хотирасига бағишланган шахмат мусобақасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ўтган йили ҳам бундай мусобақа жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Шахмат айни чоғда катта маданий бойлик ҳамдир. Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ЮНЕСКОга қабул қилинган ягона спорт ташкилоти ҳисобланади. Бу далил ҳам шахматнинг юксак даражада, расман эътироф этилганини кўрсатади.



Мутахассисларнинг эътирофича, шахмат ўзлаштирилишининг қийинлиги жиҳатидан фанга, берадиган завқу шавқига кўра, санъатга ўхшар экан. Дарҳақиқат, шахмат ўйнашни ўрганиб олиш унчалик қийин эмас. Аммо яхши ўйнашни ўрганиш анча мушкул иш. Бунинг учун шахмат назариясидан, дебют (ўйин боши), миттелшпл (ўйин ўртаси), эндшпл (ўйин охири) деб аталувчи элементар шахмат тушунчалари ва назариясидан анча-мунча хабардор бўлиш, шунчаки хабардор бўлишгина эмас, уларни бирмунча пухта ўзлаштириш лозим бўлади. Тўғри, махсус мусобақаларда совриндор бўлиш, чемпионликка эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, бунинг учун одам бутун борлиғини, ҳаёт тарзини шахматга бағишлаши керак. Аммо шахматдан чинакамига завқ-шавқ олиш учун ҳам бу ўйинни яхшироқ ўрганиб олиш тақозо этилади. Акс ҳолда, шахматчининг савияси чойхонача ўйиндан нарига ўтмайди.

Шахматни оммалаштириш, мухлисларни бу ўйиннинг сир-асрорлари билан яқиндан таништириш, улар кўнглига чўғ ташлаб қўйишнинг йўллари, воситалари кўп. Бу борада машҳур кишилар ҳаётида шахмат қандай ўрин тутган деган мавзу муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Дарҳақиқат, шахмат моҳиятини тушунадиган таниқли кишиларнинг фаолиятлари, бу ўйин ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қимматли ва мароқлидир.

Шахматнинг ниҳоятда катта тарбиявий аҳамияти бор. Бежиз уни ақл гимнастикаси дейишмайди. Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин, “Мен шахмат воситасида характеримни тобладим”, дея эътироф этганди.

Дарҳақиқат, шахмат иродани мустаҳкамлайди, топқирликка, етти ўлчаб бир кесишга, хато қилмасликка, мустақил фикрлашга, вақтдан унумли фойдаланишга ва ички интизомга, интуицияни (савқи табиий) ривожлантиришга ўргатади. Булар ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида асқотадиган жуда муҳим фазилатлардир. Жаҳон экс чемпиони, америкалик машҳур гроссмейстер Роберт Фишер “Мен шахматни яхши ўйнамайман, рақибларимнинг хатосидан фойдаланаман, холос”, деган эди.

Шахматда (асосан малакали ўйинчиларнинг партиясида) кўпинча биргина хато ўйин тақдирини ҳал қилади. Бу жиҳатдан у спортнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Футбол жамоаси иккию нолга ютқазиб туриб ҳам ўйинда кескин бурилиш ясаши, ўйинни дуранг ёки ғалаба билан якунлаши мумкин. Шахматда бунақаси камдан-кам учрайди. Рақибини ҳурмат қилган ўйинчи мабодо “қовун тушириб” қўйса, ўйинни давом эттириб ўтирмай, “Рақибга ҳурмат!” дея мағлубиятини тан олиб қўя қолади.

> **ШАХМАТНИНГ РАПИД ЙЎНАЛИШИДА ТАРИХДАГИ ЭНГ ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ, ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ҚЎША-ҚЎША ОЛТИН МЕДАЛЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН АКА-УКА ИСЛОМБЕК ВА ЖАВОҲИР СИНДОРОВЛАР, ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАРДАН БИРИНЧИ БЎЛИБ ГРОССМЕЙСТЕР УНВОНИГА ЛОЙИҚ КЎРИЛГАН НАФИСА МЎМИНОВАЛАР МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БАЙРОҒИНИ ЯНАДА ЮКСАК КЎТАРАДИЛАР, ДЕБ ИШОНАМИЗ.**

Ғарбда “Вақт — пул” деган машҳур ибора бор. Ҳамма нарсани охир-оқибат вақт ҳал қилади. Бизга ҳамиша етишмайдиган нарса ҳам вақтдир. Эндиликда инсон вақт исканжасига, шахматчилар ибораси билан айтганда, цейтнотга, яъни вақт танглигига тушиб қолганда ҳар бир лаҳзанинг қадрига етиш жуда муҳим. Шахматда ҳар бир партияга маълум вақт берилади. Агар шахматчи ана шу муддат давомида керакли юришларни қилиб улгурмаса, унга мағлубият ёзилади. Нақадар доно, адолатли қоида! Ҳар бир инсоннинг ҳаёти — умри ҳам ўлчовли, у ана шу вақт мобайнида қиладиган юмушларини уддалашга улгурмоғи лозим!

Ҳа, шахмат ниҳоятда доно ўйин. У ҳаётдаги курашнинг тимсолидир. Ҳаётда ҳам гоҳо биргина машъум хато туфайли улкан фожиалар рўй беради. Ўз вақтида амалга оширилмаган, пайсалга солинган ишлар бутунлай барбод бўлиши ёки кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. “Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема”, деган машҳур халқ донишмандлиги айни шахмат ўйини учун айтилгандек туюлади.

Малакали шахматчининг шахсий ҳаёти ҳам анча тартибга тушган бўлади. У вақтини беҳуда ўтказмайди, бир ишни қилишдан олдин атрофлича мулоҳаза юритади, холис, соғлом фикрлайди, бировни ранжитмайди, ўзига танқидий баҳо бера олади, хатти-ҳаракатлари анча мантиқли бўлади.

Кўпгина мамлакатлардаги мактабларда шахмат дарс сифатида ўқитилади. Эндиликда бизнинг мактабларда ҳам бу иш йўлга қўйиляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Айрим мутахассислар шахмат бемалол мантиқ дарсининг ўрнини боса олади, дейишади. Кузатишларга қараганда, шахматга астойдил қизиққан ва уни яхши ўрганиб олган болалар бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштирар экан. Айни чоғда шахмат буюк тарбиячи ҳамдир. Шахмат этикаси деган тушунча бор. Демак, бу ақл ўйини одобга ҳам ўргатади. Шахматчи одоби ҳақида “Қобуснома”да ҳам анча ибратли фикрлар битилган. “Ушлаганни юриш” деган қоида шахматчиларга яхши таниш. Шахматчи қайси донани ушласа, бамисоли, “Арслон изидан, ботир сўзидан қайтмас” дегандек, ўшани юришга, яъни лафзида туришга мажбур. Одобли ўйинчилар бир-бирини самимий ҳурмат қилишади. Мабодо рақиби ютқазиб турган бўлса ҳам унинг ярасига туз сепиб, ўринсиз киноя қилиб ғалаба нашидасини сурмайди.

Сир эмас, шахмат тахтасида жуда узоқ муддат бир-бирига қарама-қарши ўтириб куч синашган рақиблар ўртасида охир-оқибат қандайдир бир рақобат туйғуси пайдо бўлади, аниқроқ айтилса, улар бир-бирини ёмон кўриб қолиши ҳам мумкин экан. Шахмат тарихида бунга мисоллар талайгина. Машҳур жаҳон чемпионлари — Капабланка билан Алёхин, Карпов билан Каспаров ўртасидаги муносабатларга совуқлик тушгани сир эмас. Аммо кейинчалик машҳур шахматчилар муносиб рақибларининг истеъдодига тўғри баҳо берган. Ҳа, чемпионлар ҳам хом сут эмган банда-да!..



Ҳаваскорлар ўртасидаги муносабат, муомала-мулоқот сал бошқачароқ тарзда кечади. Кучлар нисбати деярли тенг, гоҳ у томон, гоҳ бу томон устунлик қиладиган ўйинчилар кўпроқ ўзларига синашта бўлган эски рақиблари билан ўйнагиси, тезроқ уни ютиб (агар олдин ютқизган бўлса), ғалаба нашидасини сургиси келади. Мабодо рақибидан устун келса, худди жаҳон чемпионини ютгандек завқланади. Бу ҳам шахмат психологиясининг ўзига хос жиҳатларидан бири.

Шахматда инсон характери яққол намоён бўлади. Шу боис, кўпгина машҳур шахматчилар мусобақага тайёргарлик кўришаётганда рақибларининг характери, феъл-атворини обдон ўрганишган, бу эса беллашувда уларга қўл келган. Масалан, йигирма етти йил мобайнида чемпионлик унвонини рақибларига бермаган Эммануил Ласкер шундай йўл тутиб, кетма-кет ғалаба қозонаверган. Жаҳон чемпиони бўлган Михаил Ботвинник ҳам шундай тажрибани қўллаб, жаҳон биринчилиги учун бўлган матчда М.Талга ютқазиб қўйгач, орадан бир йил ўтиб, реванш — матчда унвонини қайтариб олган.

Ўзбекистонда шахмат тараққиётини устоз, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи шахмат устаси, халқаро тоифадаги шахмат ҳаками Мамажон Муҳитдиновнинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Кўпгина шахмат дарсликлари ва қўлланмаларининг муаллифи бўлган Мамажон ака бу қадимий ўйин ҳақида жами элликдан зиёд китоб ёзган. Кўплаб иқтидорли ёшларга мураббийлик қилган, уларнинг истиқболини олдиндан башорат қила олган. Жумладан, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи гроссмейтер Георгий Аъзамов, жаҳон экс чемпиони Рустам Қосимжонов устознинг эътибори ва ғамхўрликларидан баҳраманд бўлган. Халқаро миқёсда ўтказиладиган шахмат мусобақаларини Мамажон ака матбуот саҳифаларида ўзига хос бир услубда, қойилмақом тарзда шарҳлаб, мухлисларни мамнун қиларди. Афсуски, бу борада устоз ўзига муносиб ворис-ўринбосар тайёрлаб улгуролмади. Шу боис, эндиликда унинг ўрни жуда-жуда билинмоқда. Гоҳо матбуот саҳифаларида шахматга доир оддий хабарлар ҳам саводсизларча ёзилганига гувоҳ бўламиз. “Фалон гроссмейстер фалон рақибини мот қилди” (кўпинча “мот қўйди”(?) деб ҳам ёзилади) деган иборани ўқигач, спорт журналисти шахматнинг оддий қоидасидан хабарсизлиги маълум бўлиб қолади, чунки гроссмейстерлар ҳеч қачон ўйинни мотгача давом эттирмайди.

Мухлислар Тошкентда шахмат бўйича жаҳоннинг бир неча бор чемпиони В.Ананд билан юртдошимиз, жаҳоннинг экс чемпиони Рустам Қосимжонов ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашувини қизиқиб томоша қилишди. Бу икки машҳур шахматчи бир-бирини яхши билар, Рустам бир вақтлар Анандга секундантлик ҳам қилган. Ананднинг қўли баланд келган ва миллионлаб мухлислар диққатини жалб этган ушбу учрашув шахматни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Жаҳоннинг етакчи гроссмейстерлари иштирокида пойтахтимизда ФИДЕнинг ГРАН-ПРИ соврини учун ўтказилган мусобақани ҳам шахмат мухлислари катта қизиқиш билан кузатишди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда спортга, жумладан, шахматга ҳам катта эътибор берилмоқда. Нуфузли мусобақаларда ёш шахматчилар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Айни чоғда шахматни янада оммалаштириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўзбек тилида шахматга доир китоблар ва бошқа турли нашрларни чоп этиш ҳали-ҳамон йўлга қўйилмаган. “Шахмат олами” журналининг бир-иккита сони чиқди-ю, негадир тўхтаб қолди. Шахмат мавзусида саводли, қониқарли ёза оладиган мутахассис, журналистларни тарбиялаб етиштириш ҳам муҳим, долзарб вазифа. Пойтахт ва вилоят марказларида мухлислар тўпланиб, куч синашадиган, машҳур шахматчилар билан учрашувлар, турли мусобақалар ўтказиладиган шахмат клублари қурилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, ҳар йили Ўзбекистонда шахмат равнақи учун беқиёс хизмат қилган устоз Мамажон Муҳитдинов, ижодкорлар ўртасида шахматни оммалаштиришда фидойилик қилган устозлар — Озод Шарафиддинов ва Эркин Воҳидовлар хотирасига бағишланган шахмат мусобақасини мунтазам ўтказиш лозим. Юқорида қайд этилган қарор муносабати билан бу хайрли ишлар ҳам ўз ечимини топади, деб умид қиламиз.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 158.
18715 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:00 Топширилди — 00:35